

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„30“ октябрь 2017 й. г. № 878

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган  
Ўзбекистон спортчилари ва уларнинг тренерларини янада  
қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПҚ-3196-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек спортчи ва тренерларни моддий қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларига тўланадиган умрбод ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаган тренерларга тўланадиган бир марталик пул мукофотларини бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларининг саломатлигини санаторий-соғломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, бир марталик пул мукофотлари нуфузли халқаро спорт мусобақаларида 2018 йил 1 январдан бошлаб юксак натижаларга эришган спортчиларнинг тренерларига берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган идоравий норматив-хукуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиrsin.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Д.Курбанов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил “30” октябрдаги  
878 -сон қарорига  
1-илова

**Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларига  
тўланадиган умрбод ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар учун умрбод ойлик тўловларни (кейинги ўринларда умрбод ойлик тўловлар деб аталади) тайинлаш, тўлаш, миқдорини ошириш ва тўлашни тўхтатиш тартибини белгилайди.

2. Умрбод ойлик тўловлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор спортчиларга (кейинги ўринларда спортчи деб аталади) тўланади.

3. Спортчиларга тўланадиган умрбод ойлик тўловлар Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан амалга оширилади.

**2-боб. Умрбод ойлик тўловларини тайинлаш тартиби**

4. Умрбод ойлик тўловни олиш учун спортчилар ҳар йили 1 декабрга қадар қуйидаги хужжатларни Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига (кейинги ўринларда Кўмита деб аталади) тақдим этади:

мазкур Низомга иловага мувофиқ шаклдаги ариза;

спортчининг паспорти нусхаси;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ёки совриндор бўлганини тасдиқловчи диплом нусхаси (диплом бўлмаган тақдирда Халқаро олимпия қўмитаси, Халқаро паралимпия қўмитасининг тасдиқловчи хужжати).

5. Кўмита ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган хужжатларни уч кун ичида ўрганиб чиқади, умумлаштиради ҳамда спортчиларга умрбод ойлик тўловлар тайинлаш тўғрисида Республика комиссиясига таклифлар киритади.

6. Республика комиссияси Кўмитанинг таклифларини уч кун ичида ўрганиб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига спортчиларга умрбод ойлик тўловлар тайинлаш тўғрисида тақдимнома киритади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларга умрбод ойлик тўловларни тайинлаш тўғрисида фармойиши қабул қилингандан сўнг Кўмита спортчига бир кун ичида бу ҳақида ёзма равищда маълум қиласи.

8. Умрбод ойлик тўлов тайинланган спортчининг фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаролиги, доимий яшаш манзили ўзгарган тақдирда, спортчи бу ҳақида 10 кун муддатда Кўмитага ёзма равищда хабар бериши лозим.

### **3-боб. Умрбод ойлик тўловларни тўлаш**

9. Умрбод ойлик тўлов Кўмита томонидан спортчига қуидаги миқдорда тўланади:

олтин медаль учун – энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида;  
кумуш медаль учун – энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида;  
бронза медали учун – энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида.

10. Умрбод ойлик тўловлар жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган даромад солиғисиз амалга оширилади.

11. Спортчилар учун тўланадиган умрбод ойлик тўловлар Кўмитага Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига мувофиқ ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Миллий олимпия қўмитаси маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади.

### **4-боб. Умрбод ойлик тўловнинг миқдорини ошириш ёки уни тўлашни тўхтатиш асослари**

12. Олимпия ва Паралимпия ўйинларида совриндор бўлганлиги учун умрбод ойлик тўловлар тайинланган спортчилар келгуси Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб бўлган тақдирда ёки Халқаро олимпия қўмитаси ва Халқаро паралимпия қўмитасининг қарорига мувофиқ ғолиб ва совриндор деб топилганда, умрбод ойлик тўлов оширилган миқдорда ушбу Низомнинг 2-бобида назарда тутилган тартибга мувофиқ қайта тайинланади.

13. Қуидагилар умрбод ойлик тўлов тўхтатилишига асос бўлади:

умрбод ойлик тўлов оладиган спортчи қонун хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқарилганда ёки спорт мусобақаларида бошқа давлат номидан иштирок этганда;

Бутунжаҳон антидопинг ташкилоти (WADA) томонидан тақиқланган дори воситалари қўллагани аниқланиб, Олимпия ва Паралимпия ғолиб ва совриндорлигидан маҳрум этилганда;

суд қарорига мувофиқ озодликдан маҳрум этилганда;

спортчи вафот этганда.

Умрбод ойлик тўловлар тўхтатилиши спортчига аввал тўланган тўловларни қайтариб олинишига асос бўлмайди.

14. Спортчига умрбод ойлик тўлов миқдорининг оширилиши ёки тўхтатилиши Кўмитанинг тақлифига асосан Республика комиссиясининг тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан амалга оширилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

15. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгилangan тартибда жавоб берадилар.

16. Умрбод ойлик тўловлар учун ажратилган бюджет маблағларини мақсадли ишлатилиши ва тўғри тўланиши бўйича назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб  
ва совриндоларига тўланадиган умрбод  
ойлик тўловлар тўлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
илова

Шакл

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний  
тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси

га  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

,  
(ариза берувчининг фамилияси, исми,  
отасининг исми)

манзил бўйича яшовчи: \_\_\_\_\_;  
(вилояти (шахар), кўчаси, уй ва хонадон рақами)

\_\_\_\_\_  
(шахсини тасдикловчи хужжат)

\_\_\_\_\_  
(паспорт серияси, рақами, берилган санаси, ким  
томонидан берилган)

## АРИЗА

Менга Олимпия (Паралимпия) ўйинларида ғолиб ва совриндор спорчига  
бўлганим учун умрбод ойлик тўлов белгиланган тартибда тайинланиши  
масаласини кўриб чиқишингизни сўрайман.

20\_\_ йил \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(ариза берувчининг имзоси)

Ариза қабул қилинган 20\_\_ йил \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(хужжатни қабул килиб олган мутахассис имзоси)

Рўйхат рақами \_\_\_\_\_

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил “30” октябрдаги  
878 - сон қарорига  
2-илова

**Юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаган тренерларга тўланадиган  
бир марталик пул мукофотларини бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Паросиё ўйинларида ҳамда Олимпия ўйинлари дастурларига кирувчи спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатларида ғолиб ва совриндор спортчиларни тайёрлаган тренерларни (кейинги ўринларда тренерлар деб аталади) бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Тренерларни бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан амалга оширилади.

3. Тренерларни бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш харажатлари Қўмитага Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига мувофиқ ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Миллий олимпия қўмитаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан амалга оширилади.

**2-боб. Бир марталик пул мукофотларининг миқдори  
ва уларни тўлаш тартиби**

4. Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор спортчиларни тайёрлаган тренерлар қўйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

олтин медаль - 20 000 АҚШ доллари;  
кумуш медаль - 15 000 АҚШ доллари;  
бронза медаль - 10 000 АҚШ доллари.

5. Олимпия ўйинлари дастурларига кирувчи спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатларида ғолиб ва совриндор спортчиларни тайёрлаган тренерлар қўйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

олтин медаль - 6 000 АҚШ доллари;  
кумуш медаль - 3 000 АҚШ доллари;  
бронза медаль - 1 500 АҚШ доллари.

6. Осиё ва Паросиё ўйинларида ғолиб ва совриндор спортчиларни тайёрлаган тренерлар қўйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

олтин медаль - 2 500 АҚШ доллари;  
кумуш медаль - 1 500 АҚШ доллари;  
бронза медаль - 1 000 АҚШ доллари.

7. Спорт турлари бўйича федерациялар ва уюшмалар Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Паросиё ўйинларида ҳамда Олимпия ўйинлари дастурларига кирувчи спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари якунлангандан сўнг уч кун ичидаги мазкур нуфузли ҳалқаро спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни тайёрлаган тренерлар рўйхатини Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига (кейинги ўринларда Кўмита деб аталади) тақдим этади.

8. Кўмита спорт турлари бўйича федерациялар ва уюшмалар томонидан тақдим этилган тренерлар рўйхатларини беш кун ичидаги ўрганиб чиқади, умумлаштиради ва тренерларни бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш тўғрисида Республика комиссиясига таклифлар киритади.

9. Республика комиссияси Кўмитанинг таклифларини уч кун ичидаги ўрганиб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тренерларни бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш тўғрисида тақдимнома киритади.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаган тренерларни рағбатлантириш тўғрисидаги фармойиши қабул қилингандан сўнг Кўмита, Миллий олимпия қўмитаси бир марталик тўланадиган пул мукофотларини тўлаш учун чет эл валютасига айирбошлиш учун ваколатли банкка ўтказиб беради.

11. Ваколатли банк ўрнатилган тартибда белгиланган бир марталик пул мукофотларини ғолиб ва совриндор спортчиларни тайёрлаган тренерларга Кўмита ва Миллий олимпия қўмитаси тақдим этган тегишли ҳужжатларга асосан АҚШ долларида талаб қилиб олгунча омонат (депозит) хисобварағига ўтказади ва омонат дафтарчасини расмийлаштириб беради.

12. Тренерларга тўланган бир марталик пул мукофотлари жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган даромад солигисиз амалга оширилади.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

13. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

14. Тренерларга бир марталик пул мукофотлари учун ажратилган бюджет маблағларини мақсадли ишлатилиши ва туғри тўланиши бўйича назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорат бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил “30” октябр даги  
878-сон қарорига  
3-илова

**Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларининг  
саломатлигини санаторий-соғломлаштириш муассасаларида  
мустаҳкамлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларга (кейинги ўринларда спортчи деб аталади) санаторий-соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар ажратиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Спортчилар ҳар йили бир марта ўзлари учун мақбул бўлган вақтда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларига (кейинги ўринларда санаторийлар деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Миллий олимпия қўмитаси маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан соғломлаштириш курсидан бепул ўтиш ҳуқуқига эга.

3. Спортчиларни санаторийларга юбориш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги мувофиқ амалга оширилади.

4. Спортчилар санаторийларда соғломлаштириш курсидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ ўтадилар.

**2-боб. Йўлланмалар олиш учун мурожаат қилиш**

5. Спортчилар кейинги йилга санаторийга йўлланма олиш учун ҳар йили 1 сентябргача Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) кўйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза;

спортчининг паспорт нусхаси;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлганлигини тасдиқловчи диплом нусхаси (диплом бўлмаган тақдирда Халқаро олимпия қўмитаси, Халқаро паралимпия қўмитасининг тасдиқловчи хужжати).

Юқоридаги хужжатлар Қўмитага тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда санаторийга йўлланма олиш учун спортчининг аризаси қабул қилинмайди.

Қўмитага тақдим этилган хужжатлар ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ Йўлланмалар сўраб ёзилган аризаларни рўйхатга олиш дафтарида рўйхатдан ўтказилади.

6. Йўлланма унда кўрсатилган муддатда ҳақиқий ҳисобланади.

Спортчилар саломатлигининг ҳолатига ёки бошқа асосли сабабларга кўра йўлланмадан белгиланган муддатда фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, йўлланманинг амал қилиш муддати тугашидан камида икки ҳафта олдин Кўмитага мурожаат қилиб, йўлланма муддатига ўзгартириш киритишлари мумкин. Йўлланмада кўрсатилган муддатларни календарь йил мобайнида икки мартадан ортиқ муддатга кўчиришга йўл қўйилмайди.

7. Кўмита саломатликни тиклаш муддати кўрсатилган ҳолда ариза берган спортчиларнинг рўйхатини шакллантиради ва хар йили 10 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади.

### **3-боб. Соғломлаштириш йўналишларини аниқлаш**

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кўмита томонидан тақдим этилган рўйхатни олгандан кейин беш иш куни мобайнида спортчиларни доимий яшаш жойидаги даволаш-профилактика муассасаларига юборади.

9. Даволаш-профилактика муассасалари тақдим этилган рўйхатлар бўйича бир ой муддатда ғолиб ва совриндор спортчиларни бепул диспансеризациядан ўтказадилар ва унинг натижаларига кўра санаторийда соғломлаштиришнинг зарур йўналишини (ташхиси) аниқлайди.

10. Спортчиларнинг тиббий картасида диспансеризациядан ўтказиш натижалари асосида санаторийда соғломлаштиришнинг зарур йўналиши (ташхиси) ва зид кўрсатмалар (улар мавжуд бўлганда) кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув қайд этилади.

11. Даволаш-профилактика муассасаси раҳбари ғолиб ва совриндор спортчилар диспансеризациядан белгиланган муддатларда ўтказилишини таъминланиши, шунингдек тиббий ва санаторий-курорт картасида соғломлаштиришнинг зарур йўналиши (ташхиси) тўғрисидаги ёзувларнинг тўғрилиги, ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун шахсан жавоб беради.

12. Даволаш-профилактика муассасаси тиббий картадаги ёзув асосида спортчиларнинг белгиланган шаклдаги санаторий-курорт картасини расмийлаштиради ва ушбу карта йўлланма олиш учун асос ҳисобланади.

Зарурат бўлганда, спортчилар саломатлигида ўзгаришлар юз берган тақдирда санаторий-курорт картасига тузатишлар киритилиши мумкин.

### **13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:**

даволаш-профилактика муассасаларидан хар йили 25 октябргача диспансеризациядан ўтган спортчиларни соғломлаштириш йўналишлари (ташхисини) қайд этилган рўйхатни олади;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, тассаруфида санаторий-соғломлаштириш муассасалари бўлган давлат ва хўжалик бошқарув органлари билан биргаликда санаторийлар номларини кўрсатган ҳолда муассасалар рўйхатини тузадилар;

беш иш куни мобайнида ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида келтирилган рўйхатни Кўмитага тақдим этади.

#### **4-боб. Йўлланмаларни тақсимлаш ва ажратиш**

14. Кўмита Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги тақдим этган рўйхат асосида ҳар бир санаторий бўйича келгуси йил учун Йўлланмаларни тақсимлаш режасини ишлаб чиқади ва санаторийларнинг юқори ташкилотлари билан келишилган ҳолда 15 ноябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.

15. Кўмита йўлланмаларни тақсимлаш режаси тасдиқлангандан сўнг ундан кўчирмани ўн иш куни мобайнида санаторийларга етказади.

Кўмита қонун хужжатларида белгиланган тартибда йўлланмалар реестрини юритади.

Зарур бўлганда, йўлланмаларни тақсимлаш режасига йил мобайнида асосли сабаблардан (тиббий кўрсатма, спортчининг рад этиши, мусобақа даври ва бошқа асосли сабаблар) келиб чиқкан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Ўзгартириш ва қўшимчалар Кўмита томонидан тегишли санаторийларнинг юқори ташкилотлари билан келишилган ҳолда киритилади.

Бунда Кўмита ҳар ойнинг 30 санасига қадар ғолиб ва совриндор спортчиларни таклифига асосан санаторийларга йўлланмаларни тақсимлаш режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган параметрларини санаторийларга етказади.

16. Йўлланмалар босмахона усулида босилган, тартиб рақамига эга бўлган маҳсус бланкаларда ва “Ғолиб ва совриндор спортчилар учун йўлланма” сўзлари ёзилган тегишли штамп билан тасдиқланади ҳамда уларда қайтарма талон бўлади.

17. Кўмита йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ ҳар йили 15 январгача санаторийлар билан спортчиларни соғломлаштириш бўйича шартномалар тузади.

18. Санаторийлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ санаторийлар спортчиларни қабул қилишни таъминлайди.

19. Санаторийлар билан тузилган шартномалар шартлари тўлиқ бажарилишига, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар сифати учун санаторийлар раҳбарлари шахсан масъулдир.

#### **5-боб. Санаторийларга йўлланмалар қийматини молиялаштириш**

20. Спортчиларни санаторийларда даволаш билан боғлиқ харажатлар Кўмитага Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига мувофиқ ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Миллий олимпия кўмитаси маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

21. Санаторийлар ҳар ойнинг 5 санасигача ўтган ойда спортчилар амалда фойдаланган йўлланмалардан келиб чиқкан ҳолда бажарилган ишлар далолатномалари ва ўзаро ҳисоб-китобларни таққослаш далолатномаларини Кўмитага тақдим этади ва ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Кўмитага тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилиги ва асослилиги учун санаторийлар раҳбарлари шахсан масъулдирлар.

### **6-боб. Санаторийларда яшаш ва соғломлаштириш шартлари**

22. Йўлланмадан факат унда кўрсатилган спортчилар фойдаланиши мумкин. Йўлланманинг бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди.

23. Санаторийга келган спортчиларда паспорт, соғликни сақлаш муассасаси томонидан берилган санаторий-курорт картаси (тиббий хуроса) ва ўрнатилган тартибда берилган йўлланма бўлиши керак.

24. Спортчиларга “стандарт” ётоқхоналардан жой берилади.

Спортчилар санаторийлардаги мавжуд қўшимча хизматлар учун белгиланган тўловларни ўз ҳисобидан амалга оширган ҳолда фойдаланишлари мумкин.

25. Даволанишга келган спортчиларга санаторий томонидан йўлланманинг қайтиш талони Кўмитага топшириш учун берилади.

Йўлланманинг қайтиш талонида спортчиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, санаторийда амалда бўлган вақти кўрсатилади.

### **7-боб. Якунловчи қоидалар**

26. Спортчиларга берилган ва улар фойдаланган йўлланмалар бўйича ҳисобкитоб ва назорат Кўмита томонидан олиб борилади.


27. Кўмита санаторий йўлланмаларининг ўз вақтида ва мақсадли берилишини таъминлайди.


28. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

29. Мазкур Низом асосида ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилиши бўйича назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорат бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва  
совриндорларининг саломатлигини санаторий-  
соғломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Спортчиларни санаторий-соғломлаштириш муассасаларига юбориши  
СХЕМАСИ**





Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва  
совриндорларининг саломатлигини санаторий-  
согломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

Ўзбекистон Республикаси  
Жисмоний тарбия ва спорт давлат  
қўмитаси раиси

\_\_\_\_\_ га  
\_\_\_\_\_ да яшовчи  
\_\_\_\_\_ дан  
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

## АРИЗА

Менга \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойига \_\_\_\_\_ санаторий-  
(санаторий номи)  
соғломлаштириш муассасасига белгиланган тартибда йўлланма ажратишингизни  
сўрайман.

Аризага қўйидагиларни илова қиласман:  
паспорт нусхаси;

Ғолиб ёки совриндор спортчи эканлигини тасдиқловчи диплом нусхаси (диплом  
бўлмаган тақдирда Халқаро олимпия қўмитаси, Халқаро паралимпия қўмитасининг  
тасдиқловчи ҳужжати).

Мурожаат қилувчининг имзоси: \_\_\_\_\_

Сана: 20\_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

Аризани рўйхатдан ўтказувчи

\_\_\_\_\_ (аризани қабул килган шахснинг Ф.И.О., лавозими)

Сана: 20\_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб  
ва совриндорларининг саломатлигини  
санаторий-соғломлаштириш муассасаларида  
мустаҳкамлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Йўлланма сўраб ёзилган аризаларни рўйхатга олиш  
ДАФТАРИ**

T/p	Спортчининг Ф.И.О.	Доимий яшаш жойи	Тиббий маълумотно- манинг тартиб раками ва санаси, шунингдек тиббий маълумотномани берган муассасасининг номи	Тиббий маълумот- номада кўрсатилган санаторий- соғломлаштириш муассаси номи	Санаторий- соғломлаштириш муассаси номи, йўлланманинг тартиб раками, муддати	Йўллан- мани берган масъул ходимнинг Ф.И.О. ва имзоси	Йўллан- мани олган ғолиб ва совриндор спортчининг имзоси	Санаторий- соғломлаштириш муассасасига келиш куни	Санаторий- соғломлаштириш муассасасидан кетиш куни

